

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА САНОАТ ВА БОШҚА ТАРМОҚЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

Хужакулов Хайтмурат Джавлиевич
ТМИ профессори, и.ф.н.

Аюбжонов Аббос Ҳосилович
ТДИУ доценти, и.ф.н.

АННОТАЦИЯ

Мақолада иқтисодий тараққиётни таъминлашда тармоқларнинг ўрни ва роли, халқаро таснифлашлар асосида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши ва динамикаси таҳлил қилинган, шунингдек саноат тармоғини янада стратегик ривожлантириш йўналишлари қайд этилган.

Калимли сўзлар: саноат, маҳсулот, тармоқ, ЯИМ, ишлаб чиқариш, таркибий силжишлари, тармоқлар улуши, ўзгариш суръатлари.

АННОТАЦИЯ

В статье проанализированы место и роль отраслей в обеспечении экономического развития, доля отраслей в производстве промышленной продукции и их динамика на основе международных классификаций, а также изложены направления дальнейшего стратегического развития отрасли промышленности.

Ключевые слова: промышленность, продукция, отрасль, ВВП, производство, структурные сдвиги, доля отраслей, темпы изменений.

ANNOTATION

The article analyzes the place and role of industry in economic development, the share of industry in the production of industrial products and their dynamics on the basis of international classifications, and set out areas for further strategic development of the industry.

Key words: industry, products, industry, GDP, production, structural shifts, share of industries, rate of change.

Кириш

Моддий неъматлар ишлаб чиқарадиган соҳа тармоқлари орасида энг салмоқли ўрин эгаллагани ва етакчиси саноат тармоғидир. Республикаизда ялпи ички маҳсулотнинг салкам 26 фоизи саноат тармоғида яратилади. Иқтисодиёт барча тармоқларининг муваффақиятли ўсишининг гарови ушбу тармоқнинг ривожланиш даражаси суръатига боғлиқдир.

Хозирги даврда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун иқтисодиётнинг юқори қўшилган қиймат яратувчи тармоқ ва соҳаларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш туфайли жаҳон бозорида рақобатга бардош берадиган пировард товарларни ташқи дунёга сотиш орқали экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашнинг имкониятлари яратилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев 2020 йил 29 декабря Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “... иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади” [1] – деб таъкидлаган эдилар.

Инвестицияларни ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтириши натижасида, мамлакатда мустақиллик йилларида мутлақо янги саноат тармоқлари яратилди, жумладан автомобилсозлик, нефтгазкимё, нефтгаз машинасозлиги, ҳозирги замон қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, майший электроника, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати ва бошқалар.

Мустақиллик йиллари (1991-2020 йй.) мобайнида ЯИМ қўшимча ўсиш суръатининг 23,2 фоизи иқтисодиётда банд бўлган ходимлар сонининг кўпайиши ҳисобига юз берган бўлса, меҳнат унумдорлиги ошишининг ва моддий харажатлар тежамиининг таъсири мос равища 58,2 ва 18,6 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси реал секторида фаолият юритаётган корхоналарни ривожлантириш ҳамда улар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини ўсишида реал сектор корхоналарининг ўзига хос ўринга эгалиги, уларнинг рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бўлган интилишларини янада оширди.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 1 майдаги “Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариши кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-4302-сонли Қарорида “Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши янада кенгайтириш, кичик бизнес субъектларини саноат фаолиятига кенг жалб этиш, саноат кооперациясини

мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш” [2] кўзда тутилган.

Адабиётлар шарҳи

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда саноат маҳсулотларининг ўрни бекиёсдир. Шунинг учун саноат тармоғини ривожлантиришнинг долзарблиги доимий равишда тадқиқотчи олимларнинг дикқат марказида бўлган. Хусусан, мавзу юзасидан хорижий олимлардан Ю.Родионов, Р.С.Портер, Д. Деверюкс, Б.Робертс, Р.Н. Нураевлар илмий янгиликлар яратган бўлсалар, маҳаллий олимлардан А.Абдуҳамидов, У.Мухитдинов, А.А.Ортиков, Х.Ишбутаева, Ш.Низомова, Э.Х.Махмудов, М.Исоқов, Х.Д.Хужакуловлар бир қатор илмий изланишлар олиб боришган.

Жумладан, А.Ортиков “Ўзбекистонда саноатни ривожлантиришнинг қатор имкониятлари, географик ва иқтисодий омиллари”га [5], М.П.Нарзиқулов “Саноатни ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида асосий эътибор таркибий ўзгаришларга қаратилганлиги”га [6], Э.Х. Махмудов “Саноат тармоқлари ривожланишига шароит яратишининг стратегик йўналишлари биринчи навбатда бюджет, солиқ, пул кредит, нарх ва валюта сиёсати каби воситаларни қамраб олган қулай макроиқтисодий муҳитни яратиш”га [7], Хужакулов Х.Д., Сайфуллаев С.Н. “Ўзбекистон саноати тармоғининг таркибий ўзгаришларини халқаро таснифлаш асосида статистик ўрганиш”га [8], Мамаджанов Д.Г. “Ўзбекистонда саноат тармоғи ривожланишининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш”га [9] боғлиқликларига алоҳида тўхталиб ўтишган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик таҳлил, синтез, статистик гурухлаш, эксперт баҳолаш ва илмий абстаркциялаш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

2021 йилнинг дастлабки якунларига назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 7,4 фоиз, (2020 йилда 1,9%)га, саноатда қўшилган қиймат ҳажми 8,7 фоиз (2020 йилда 0,9%)га ошиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди.

Республикамиз

корхоналари

томонидан

2021 йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми жорий баҳоларда 451,6 трлн. сўмни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан тармоқда яратилган

қўшилган қийматнинг ўсиш суръати 184,7 фоизга (166,5:90,2), ўртача йиллик қўшимча ўсиш суръати 5,7 фоиздан зиёдга тенг бўлди (1-жадвал, 1-диаграмма).

1-жадвал

Ўзбекистонда асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг ҳажми ва динамикаси


Йиллар	ЯИМ ва ЯҚҚ ҳажми 2020 йил баҳоларида, трлн. сўм			2020 йил баҳоларида аҳоли жон бошига, минг сўм		
	ЯИМ	Тармокларнинг ЯҚҚ		ЯИМ	ЯҚҚ	
		жами	шундан саноатда		барча тармоқлар бўйича	шундан саноатда
A	1	2	3	4	5	6
2010	338,9	311,3	90,2	11865,2	10898,9	3158,0
2011	364,4	335,3	94,1	12420,2	11428,3	3207,3
2012	390,2	360,4	99,5	13105,2	12104,3	3341,8
2013	418,7	387,1	106,9	13844,4	12799,6	3534,7
2014	447,6	414,2	111,8	14552,5	13466,5	3634,9
2015	479,8	444,4	117,7	15329,6	14198,6	3760,5
2016	508,1	471,1	124,0	15954,0	14792,2	3893,5
2017	530,5	491,3	130,5	16379,2	15168,9	4029,2
2018	559,1	517,4	144,6	16965,0	15699,7	4387,7
2019	591,0	547,4	151,8	17599,4	16301,1	4520,5
2020	602,2	557,8	153,2	17591,7	16294,6	4475,3
2021	646,8	599,6	166,5	18524,9	17173,1	4768,7

Манба: Ўзбекистон Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисобламаси.

Умуман саноат республикамиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Чунки, саноат ўзининг қўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш локомотиви билан бошқа соҳа ва тармоқлардан тубдан фарқ қиласи. Саноат тармоғининг ривожланиши миллий иқтисодиётининг барқарор суръатлар билан ривожланишига олиб келади. Саноат соҳасида қазиб олинган, экиб ўстирилган барча ресурсларни қайта ишлаш, улардан янгидан-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ассортимент ва номенклатуранинг қўпайиши ҳисобига диверсификациялашув жараёнлари такомиллашади.

Саноат тармоғи йирик ишлаб чиқариш институти бўлиши билан биргаликда, аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш жойларини ташкил этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тармоқда иш билан банд бўлганлар сони 2010 йилда 1605,7

минг кишини, 2015 йилда 1768,7 минг кишини, 2020 йилда 1809,5 минг кишини, 2021 йилда 1883,3 минг кишини ёки иқтисодиётда банд бўлганларнинг мос равишда 13,8; 13,5; 13,7 ва 13,9 фоизни ташкил қилган. Натижада 2021 йилда 2010 йилга нисбатан банд бўлганлар сони тармоқда 17,3 фоизга кўпайгани ҳолда, бутун иқтисодиёт бу кўрсаткич 16,4 фоизга тенг бўлган. Саноат тармоғини иш билан бандликни оширишдаги яна бир муҳим хусусияти қайта ишлаш ва қўшимча қиймат яратишдаги фаоллиги ҳисобига юзага чиқади. Яъни, қайта ишловчи корхоналарнинг кўпайгани ва қўшимча қийматнинг ортгани сари саноатда ҳам банд бўлган ходимлар сони ортаверади. Бундан кўринадики, қўшимча қиймат ва қайта ишлашнинг ўсиши билан саноатда банд бўлган ходимлар сонининг ўзгариши ўртасида тўғри боғлиқлик мавжуд. Саноат жаҳон иқтисодиётида иштирок этаётган давлатлар ўртасидаги иқтисодий интеграция жараёнларини мувофиқлаштириш ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга ёрдам беради. Натижада, барча мамлакатларнинг табиий, меҳнат ва молиявий ресурслари, фан-техниканинг барча ютуқларидан оқилона фойдаланиш имконияти юзага келади. Бу эса ўз навбтида юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефть-газ ва нефть-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантиришни талаб этади.



1-диаграмма. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг, тармоқлар ялпи қўшилган қиймати (ЯҚҚ)нинг ва саноатда яратилган қўшилган қиймат (СЯҚҚ)нинг қўшимча ўсиш суръатлари, фоизда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида “юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш” [3] – вазифалари алоҳида таъкидланган.

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида таркибий ўзгаришлар содир бўлганлигини таъкидлаш жоиз. 2021 йилда 2010 йилга қараганда ЯИМ ва тармоқлар ялпи қўшилган қиймати таркибида мос равишда саноатнинг хиссаси 9,3 ва 9,1 фоиз бандга ва қурилишда 1,4 ва 1,3 фоиз бандга ошган бўлса, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 2,0 ва 3,7 фоиз бандга ва хизматлар соҳасида 4,2 ва 6,7 фоиз бандга пасайганлигини кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМ ва тармоқлар ялпи қўшилган қиймати (ЯҚҚ) ҳажмининг ўзгариши курсаткичлари

Йиллар	ЯИМ ва ЯҚҚ ҳажмининг ўзгариш суръати, %			Тармоқлар ЯҚҚнинг ЯИМдаги улуши, %		Саноатнинг қўшилган қиймати улуши, %			
	ЯИМ	ЯҚҚ		барча тармоқлар бўйича	шундан саноатда	барча тармоқлар бўйича	шундан саноатда	Тармоқлар ЯҚҚда	Саноат маҳсулоти ҳажмида
		барча тармоқлар бўйича	шундан саноатда						
A	1	2	3	4	5	6	7		
2010	107,1	107,5	105,9	88,0	16,5	18,7	34,1		
2011	107,5	107,7	104,4	88,7	15,4	17,4	33,5		
2012	107,1	107,5	105,7	88,8	16,1	18,1	35,6		
2013	107,3	107,4	107,5	89,6	16,6	18,5	35,9		
2014	106,9	107,0	104,5	90,2	17,2	19,1	38,3		
2015	107,2	107,3	105,3	90,9	17,4	19,1	39,4		
2016	105,9	106,0	105,4	91,2	17,8	19,5	40,6		
2017	104,4	104,3	105,2	89,0	18,8	21,1	40,0		
2018	105,4	105,3	110,8	89,3	22,6	25,3	40,1		
2019	105,7	105,8	105,0	91,5	25,7	28,1	42,2		
2020	101,9	101,9	100,9	92,6	25,4	27,5	41,5		
2021	107,4	107,5	108,7	92,8	25,8	27,8	42,0		

Манба: Ўзбекистон Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисобламаси.

Бу каби таркибий силжишлар натижасида тармоқлар ЯҚҚнинг ЯИМдаги улуши 4,8 фоиз бандга ошиб, маҳсулотларга соғ солиқлар улуши 12 фоиздан 7,2 фоизгача пасайган (2- ва 3-жадваллар).

Дастлабки маълумотларга кўра, республикамиизда 2021 йилда 2020 ва 2010 йилларга нисбатан мос равишда ЯИМнинг ўсиш суръати 107,4 ва 190,8 фоизни, тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 107,5 ва 192,6 фоизни, саноат тармоғида яратилган қўшилган қиймат эса 108,7 ва 184,6 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2010-2021 йилларда ўртacha йиллик қўшимча ўсиш суръати ЯИМ, тармоқлар ва саноатнинг қўшилган қийматлари бўйича 6,0 ; 6,1 ва 5,7 фоизга тенг бўлиб, саноат тармоғида қўшилган қийматнинг илгарилаш коэффициенти ЯИМ ва тармоқларнинг ялпи қўшилган қийматига нисбатан тегишли ҳолда 0,967 ёки 96,7 фоизни (1,846:1,908) ва 0,958 ёки 95,8 фоизни (1,846:1,926) ташкил этган. Бу маълумотлар саноат тармоғида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати динамикада бир мунча паст бўлганлигидан далолат беради. Олиб борилган тадқиқотлар ва таҳлиллар асосида 2010-2021 йилларда аҳоли жон тўғри келган ЯИМ ва тармоқларнинг ЯҚҚ ҳажми қарийб 1,6 мартаға, саноат тармоғида қўшилган қиймат эса 1,5 мартаға ошганлигини кузатишимиз мумкин (1- ва 2- жадваллар).

3-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМ ва ЯҚҚ ҳажмида тармоқлар ҳиссасининг ўзгариши (фоиз хисобида)

Йиллар	ЯИМ ҳажми, амалдаги баҳода, трлн.сўм	Тармоқлар улуши, % (саноат тармоғисиз)					
		Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўялиги		Қурилиш		Хизматлар	
		ЯИМда	Тармоқлар ЯҚҚда	ЯИМда	Тармоқлар ЯҚҚда	ЯИМда	Тармоқлар ЯҚҚда
A	1	2	3	4	5	6	7
2010	78,9	27,0	30,6	4,8	5,4	39,9	45,3
2011	103,2	29,7	33,5	4,4	4,9	39,2	44,2
2012	127,6	28,9	32,6	4,4	4,9	39,4	44,4
2013	153,3	27,8	31,0	4,8	5,3	40,5	45,2
2014	186,8	28,7	31,8	4,9	5,4	39,4	43,7
2015	221,4	29,2	32,1	5,1	5,7	39,1	43,1
2016	255,4	29,3	32,1	5,1	5,6	39,0	42,8
2017	317,5	28,7	32,2	4,8	5,4	36,8	41,4
2018	424,7	26,8	30,0	5,2	5,8	34,8	38,9
2019	529,4	24,6	26,9	5,8	6,3	35,3	38,7
2020	602,2	25,1	27,1	6,2	6,7	35,8	38,7
2021	734,6	25,0	26,9	6,2	6,7	35,7	38,6

Манба: Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Республикамизда ИФУТ янги структураси бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар ва тармоқлар улуши 4-жадвалда келтирилган маълумотлар билан тавсифланади. Жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, 2010 йилда жами саноат маҳсулотининг 13,4 фоизи тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш (В) да яратилган бўлса, 75,4 фоизи ишлаб чиқарадиган саноат (С)га тўғри келган, 2021 йилда бу кўрсаткичлар тегишли равишда 9,5 ва 83,0 фоизни ташкил этган, яъни 2010 йилга нисбатан 3,9 фоиз бандга пасайган ва 7,6 фоиз бандга ошган. Ишлаб чиқарадиган саноат (С-секция) соҳасида металлургия саноати энг катта салмоққа эга бўлиб, 2021 йилда 25,7 фоизни ташкил этган ва 2010 йилга нисбатан 12,9 фоиз бандга жадаллашган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ва динамикасини тармоқда яратилган қўшилган қийматнинг физик ҳажми индекси асосида аниқламоқда. Бундай ҳисоб методологик жиҳатдан тўғрилигини эътироф этишимиз лозим, чунки ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг барчаси иқтисодиётда пировард маҳсулот бўлмайди, бу эса такорий ҳисоблар ва оралиқ истеъмолининг мавжудлиги билан изоҳланади. Бироқ алоҳида хўжалик юритувчи субъектлари бўйича маҳсулот ҳажми ва унинг динамикасини аниқлаб, иқтисодий жараённи таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодиётнинг самарадорлигини оширишда энг муҳим омил бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ҳисобланади.

4-жадвал**Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар ва тармоқлар улуши**

Йириклиштирилган секциялар бўйича саноат тармоқлари	Йиллар							
	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Саноат маҳсулоти ҳажми (B, C, D, E) – жами, млрд. сўм	38119,0	97598,2	111869,4	148816,0	235340,7	322535,3	368740,2	451633,9
Шу жумладан жамига нисбатан, %:								
B. Төғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	13,4	9,7	8,1	10,3	12,3	13,5	9,0	9,5
C. Ишлаб чиқардиган саноат	75,4	80,5	81,8	81,1	80,6	79,0	83,0	83,0
D. Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондиционлаш	10,7	9,2	9,4	7,8	6,2	6,8	7,4	6,8
E. Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йифиш ва утилизация қилиш	0,5	0,6	0,7	0,8	0,9	0,7	0,6	0,7
Саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажми индекси, %:								
Бутун саноат бўйича	105,9	105,3	105,4	105,2	110,8	105,0	100,9	108,7
B. – секция бўйича	94,8	102,9	100,8	117,6	126,5	99,4	78,0	110,7
C. – секция бўйича	108,9	105,9	106,7	104,2	107,9	106,6	107,9	108,2
D. – секция бўйича	118,5	105,1	103,6	95,5	103,1	105,1	106,8	113,0
E. – секция бўйича	118,6	106,8	110,0	108,0	111,3	102,2	99,1	82,3

Манба: Ўзбекистон Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Шу боис тармоқларда илғор замонавий юқори технологиялардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришда оралиқ истеъмолига сарфлар тежамини таъминлаш зарур. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда оралиқ истеъмолининг ҳиссаси 2010 йилдаги 65,9 фоиздан 2021 йилда 58,0 фоизгacha пасайган бўлсада, ҳанузгача юқори салмоқни ташкил этмоқда (2-жадвал, 2-диаграмма).



2-диаграмма. Саноат маҳсулоти ҳажмида қўшилган қийматнинг ва оралиқ истеъмолининг улуши (жамига нисбатан, фоизда).

Иқтисодиётнинг тараққий этишида тармоқ ва соҳаларда илғор юқори технологияларни қўллаш ва кенг жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг салмоғи ҳали талаб даражасида эмас. Айтайлик, иқтисодиётнинг драйвери ҳисобланган ишлаб чиқарадиган саноат таркибида 2020 йилда юқори технологияли тармоқларнинг улуши 2,0 фоизни, ўрта-юқори технологияли – 22,4%, ўрта-қуи технологияли – 39,9% ва қуи технологиялиси 35,7 фоизни, 2021 йилда эса бу кўрсаткичлар тегишли равишда 2,7; 20,1; 39,4 ва 37,7 фоизни ташкил этган.

Демак, шундай вазиятдан келиб чиққан ҳолда, юқори технологияли тармоқларнинг салмоғини ошириш мақсадга мувофиқ.

Саноат ишлаб чиқаришининг секциялар бўйича физик ҳажм индекслари 2021 йилда 2010 йилда нисбатан В секцияда 127,8 фоизни, С секцияда 220,7 фоизни, Д секцияда 133,6 фоизни, Е секцияда 173,8 фоизни ташкил этиб, ўртача йиллик қўшимча ўсиш суръатлари мос ҳолда 2,2; 7,5; 2,7 ва 5,2 фоизга teng бўлган (4-жадвал).

Хулоса ва таклифлар

Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати таркибида саноатнинг ҳиссасини ошириш мақсадида таркибий ўзгартириш, маҳаллий минерал хом-ашё ресурсларини янада чукур қайта ишлаш асосида ишлаб чиқариш ҳамда етакчи тармоқларни фаол диверсификация ва модернизация қилишни амалга оширувчи корхоналарни қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Кейинги йилларда саноат тармоғида таркибий ўзгаришлар натижасида соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги салоҳияти сезиларли даражада ошган бўлсада, бироқ саноат мажмунга киритилган инвестициялар тармоқ маҳсулотлари экспорти салмоғининг ошишига талаб даражасида ҳисса қўша олмасдан, асосан ички бозор учун маҳсулот етказиб бериш билан чекланмоқда.

Келгусида мамлакат саноати ривожланишини таъминловчи қўйидаги йўналишларни таклиф этамиз:

- инвестицион ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенг кўламли эҳтиёжларни қондиришга қаратилган, илмий асосланган лойиҳалар ишлаб чиқиш;
- корхоналарда инновацион салоҳиятни такомиллаштириш, илм ва юқори технология талаб қиласиган янги корхоналар ташкил этиш ва импорт маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- ривожланган мамлакатларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи замонавий техника-технологияларини импорт қилиш сиёсатини жадаллаштириш;
- саноатда хусусий тармоқ ва кичик тадбиркорлик улушини ошириш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг З устувор йўналишида “Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш” [4] вазифалари белгиланган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барчаси мамлакатимизнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашга ва оширишга, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилгандир.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
<https://president.uz/uz/lists/view/4056>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги “Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4302-сонли Қарори// Lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПФ-6244-сонли Фармони // Lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти ПФ-60-сон Фармони. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон)

5. Ортиков А. Саноат иқтисоди. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2009. 236 б.

6. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы 1 У-го Форума экономистов / отв. ред. М.П. Нарзикулов. Ташкент. Вак1паРгез\$, 2012. С. 8.

7. Махмудов Э.Х., Ортиков А., Каримов Ф. Корхона иқтисодиётнинг асосий бўғини. / Ҳамкор. 2010 йил 7 февраль.

8. Хужакулов Х.Д., Сайфуллаев С.Н. Ўзбекистон саноати тармоғининг таркибий ўзгаришларини халқаро таснифлаш асосида статистик ўрганиш// “Иқтисодиёт ва таълим” журнали, 2017, 6-сон, 129-134-бетлар.

9. Мамаджанов Д.Г. Ўзбекистонда саноат тармоғи ривожланишининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2018, 3-сон май-июнь.

10. www.stat.uz. - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.